

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2017 ЙИЛ  
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

**Термиз – 2018**

## СҮЗ БОШИ

Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси Сурхондарёнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, иктиносидиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Сурхондарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иктиносидий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Сурхондарё вилоятининг иктиносидий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иктиносидий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иктиносидиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, ҳалқаро статистика амалиётига мувофиқ, иктиносидий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иктиносидий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиктиносидий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иктиносидий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистика ахборотномасида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

## Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпии ички маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	қўрсааткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	ектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	<sup>1)</sup> , <sup>2)</sup> , <sup>3)</sup> .....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

# МУНДАРИЖА

Номи	бет.
<b>АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР</b>	6
<b>I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>7–8</b>
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	7
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг вилоятлар ва тармоқлар бўйича тақсимланиши	8
<b>II. САНОАТ</b>	<b>9–11</b>
Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари	9
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	10–11
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>12–17</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг ҳажмлари	12–15
Дехқончилик ва Чорвачилик	16–17
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>18–21</b>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	18–19
Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш	20–21
<b>V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	<b>22–23</b>
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	22–23
<b>VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ</b>	<b>24–27</b>
корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари	26–29
<b>VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР</b>	<b>28–32</b>
экспорт-импорти таркиби	28–32
<b>VIII. ТРАНСПОРТ</b>	<b>33–34</b>
Юк ташиш, юк айланмаси ва ўйловчи ташиш транспорт турлари	33–34
<b>IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ</b>	<b>35–38</b>
Чакана товар айланмаси, бозор хизматлари	35–38
<b>X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ</b>	<b>39–45</b>
Аҳолининг табиий ҳаракати, ўлим, туғилиш, никоҳ, ажralиш	39–45

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар**  
**2017 йил январь-декабрь**

	млрд. сўм	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	10633,2	103,7
Саноат маҳсулоти	2189,8	92,3
Истеъмол товарлари	996,3	93,0
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6317,7	106,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2949,1	138,5
Қурилиш ишлари	1773,9	104,1
Юқ айланмаси (млн. тн-км)	741,3	102,4
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	5653,3	104,7
Чакана товар айланмаси	7139,8	100,2
Хизматлар, жами	4429,2	104,5
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	374,5	138,3
Экспорт	157,3	106,1
Импорт	217,2	177,3
Сальдо (+;-)	-59,9	x

## **I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**


Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 10633,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 103,7 фоизга тенг бўлди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 121,3 фоизни ташкил қилди.

### **Январь-декабрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иктисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

	млрд.сўм		<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2016 йил</i>	<i>2017 йил</i>	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>8454,8</b>	<b>10633,2</b>	<b>103,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>8167,3</b>	<b>10260,7</b>	<b>103,8</b>
Махсулотларга соғ солиқлар	287,5	372,5	100,4
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>8167,3</b>	<b>10260,7</b>	<b>103,8</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2814,9	4134,0	106,6
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	1537,0	1631,7	96,4
саноат	842,0	838,8	90,0
курилиш	695,0	792,9	104,1
<b>Хизматлар</b>	<b>3815,4</b>	<b>4495,9</b>	<b>104,7</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	940,2	1140,2	102,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	680,1	723,5	103,9
бошқа хизматлари	2195,1	2631,3	105,9

## **Январь-декабрда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)**



Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири хизматлар (104,7%) тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 72,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2016 йил январь-декабрга нисбатан 1,2 фоизга ошди.

2017 йил январь-декабрда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида қишлоқ, ўмон ва балиқ хўжалиги улуши 43,8 фоиз (2016 йил январь-декабрда 34,5 фоиз)ни ташкил қилди.

## II. САНОАТ

2017 йил январь-декабрда саноат маҳсулоти ҳажми 2189,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 92,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 996,3 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-декабрига нисбатан 93,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 586,6 млрд. сўмлик озиқ-овқат, 39,1 млрд. сўмлик ароқ-вино ва пиво маҳсулотлари, 370,6 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-декабрига нисбатан мос равиша (86,8 фоиз, 109,6 фоиз ва 103,2 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 0,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.


### **2017 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш**

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>2189,8</b>	<b>92,3</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>125,8</b>	<b>97,2</b>
<b>улардан:</b>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	64,1	92,4
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1890,2</b>	<b>90,2</b>
<b>ундан:</b>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	745,0	93,5
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	549,4	77,7


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	11,9	104,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	4,2	96,9
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	235,5	100,4
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	12,6	100,7
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	13,0	100,9
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	159,7	108,2
Металлургия саноати	3,3	89,4
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	8,1	114,8
Мебель ишлаб чиқариш	37,0	109,4
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	31,2	148,6
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>996,3</b>	<b>93,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>		
озиқ-овқат товарлари	586,6	86,8
ноозиқ-овқат товарлари	370,6	103,2
вино-арок ва пиво ичимликлари	39,1	109,6

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

2016 йил январь-декабрь



2017 йил январь-декабрь




- █ Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш
- █ Ишлаб чиқарадиган саноат
- █ Электр, газ, буф билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- █ Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиilarни йигиш ва утилизация қилиш

### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 6317,7 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачиликда 6201,6 млрд. сўмни, овчиликда 0,1 млрд. сўмни ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажмида 85,6 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 6,6 млрд. сўмни (102,3 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 23,8 млрд. сўмни (118,1 фоиз) ташкил қилди.

#### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



**Хосил йигими.** 2017 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 279743 тонна картошка (114,3 фоиз), 983953 тонна сабзавот (101,8 фоиз), 231774 тонна полиз (111,5 фоиз), 154951 тонна мева (100,3 фоиз) ва 135890 тонна узум (100,3 фоиз) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2018 йил 1 январь ҳолатига 2017 йилнинг шу даврига нисбатан иирик шохли қорамоллар 105,3 фоизга (жами 940,1 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,7 фоизга (329,9 минг бош), қўй ва эчкилар 105,7 фоизга (2208,4 минг бош), паррандалар 100,3 фоизга (3997,3 минг бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,2 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 72,4 фоизни ташкил этди.

**2018 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	минг бош	ўсии суръати, %
<b>Йирик шохли корамол</b>	<b>940,1</b>	<b>105,3</b>
<i>ишу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	45,0	89,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	888,7	107,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	6,4	57,1
<b>улардан сигирлар</b>	<b>329,9</b>	<b>100,7</b>
<i>ишу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	15,3	86,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	313,3	101,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,3	56,5
<b>Кўй ва эчкилар</b>	<b>2208,4</b>	<b>105,7</b>
<i>ишу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	364,9	124,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1809,0	105,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	34,5	47,3
<b>Отлар</b>	<b>14354</b>	<b>96,1</b>
<i>ишу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2605	103,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	11398	94,6

	<i>минг бои</i>	<i>ўсиши суръати, %</i>
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	351	91,2
<b>Паррандалар</b>	<b>3997,3</b>	<b>100,3</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	229,2	151,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2436,6	106,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1231,5	82,8

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли корамолларнинг улуши 94,5 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,8 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,0 ва 4,6 фоизни, қўй ва эчкилар 81,9 ва 16,5 фоизни, отлар 79,4 ва 18,1 фоизни, паррандалар 61,0 ва 8,2 фоизни ташкил этди.


2017 йилнинг январь-декабрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн хисобида 177,7 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 5,5 фоизга кўп), 810,0 минг тонна сут (3,6 фоизга кўп), 320,5 млн. дона тухум (2,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

#### **2017 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиши суръати, %</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>177,7</b>	<b>105,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	7,0	93,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	169,3	106,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,4	89,3
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>810,0</b>	<b>103,6</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	15,2	88,8

	миқдори	ўсии суръати, %
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	791,1	104,0
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,7	100,3
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>320,5</b>	<b>103,6</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	14,1	102,8
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	218,0	102,7
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	88,4	103,0

**2016-2017 йиллар январь-декабрь ойларида Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**  
*(ишлаб чиқарии умумий ҳажсига нисбатан фоиз ҳисобида)*



- Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
- Фермер хўжаликлари

**Фермер хўжаликлари.** 2017 йилнинг январь-декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1895,8 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан

106,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 30,0 фоизни ташкил этди.

2018 йил 1 январь ҳолатига фермер хўжаликлирида 45,0 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 15,3 минг бош сигир, 364,9 минг бош қўй ва эчкилар, 2605 бош от, 329,2 минг бош паррандалар мавжуд.

### **2017 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	январь-декабрь				2016 январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	
	2016 йил		2017 йил			
	тонна	ишлаб чиқарилиши умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқарилиши умумий ҳажмидаги улуши, фоиз		
Бошоқли дон	493244	79,2	498643	80,1	101,1	
<i>шу жумладан:</i>						
буғдой	481820	79,7	487362	80,7	101,2	
Картошка	8615	3,5	20953	7,5	2,4 м	
Сабзавот	200874	20,8	141138	14,3	70,3	
Полиз	48818	23,5	55100	23,8	112,9	
Мева ва резаворлар	62478	40,5	56103	36,2	89,8	
Узум	78451	57,9	76446	56,3	97,4	
Гўшт, тирик вазнда	7450	4,4	6969	3,9	93,5	
Сут	17083	2,2	15172	1,9	88,8	
Тухум, минг дона	13740	4,4	14130	4,4	102,8	
Жун	235	9,9	269	11,3	114,5	
Пилла, тонна	1552,7	100,0	872,7	77,1	56,2	

**2017 йил январь-декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби туманлар кесимида**

**Соғиб олинган сут (минг тонна)**



**Гўшт ишлаб чиқариш  
(тирик вазнда минг тонна)**



**Олинган тухум (млн.дона)**



**Кириб олинган жун (тонна)**



## **IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ**

2017 йил январь-декабрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2 трлн. 949,1 млрд. сўм микдорида инвестициялар киритилди ва 2016 йил январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 138,5 фоизни ташкил қилди.

### **Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<b>млрд.сўм</b>	<b>ўсиш суръати, %</b>	<b>якунга нисбатан фоиз</b>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>2949,1</b>	<b>138,5</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>1052,1</b>	<b>195,5</b>	<b>35,7</b>
бюджет маблағлари	245,3	151,8	8,3
давлат мақсадли фонд маблағлари	211,8	93,7	7,2
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	232,4	-	7,9
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	362,6	240,8	12,3
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>1896,9</b>	<b>119,1</b>	<b>64,3</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	740,2	193,8	25,1
ахоли маблағлари	647,5	81,5	22,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	150,3	183,8	5,1
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	359,0	106,2	12,2


**2017 йил январь-декабрда асосий капиталга кириллган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>2949,1</b>	<b>682,1</b>	<b>2267,0</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз қўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	61,5	85,1	54,4
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	35,3	12,2	42,2
Бошқа ҳаражатлар	3,2	2,7	3,4

**Асосий капиталга кириллган инвестицияларни иқтисодий фаолият турлари  
бўйича**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

январь-декабрь  
2016 й.

январь-декабрь  
2017 й.



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Курилиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар қўрсатиш
- Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар қўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-декабрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 17,4 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 17,3 фоизли пунктга ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 0,1 фоизли пунктга кўпайган.

### **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

	<i>Барча манбалар ҳисобидан</i>	
	<i>Фойдаланишига топширилди</i>	
	<i>жасми</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>
<b>Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м</b>	<b>1007,4</b>	<b>741,0</b>
ундан: якка тартибдаги уй–жойлар	879,8	635,1
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	112,2	105,9
Касалхоналар, ётоқ ўрни	552	60
<b>Умумий таълим ва маҳсус мактаблар, ўқувчилар ўрни</b>	<b>7279</b>	<b>3775</b>
Сув тармоқлари, км	234,4	201,9
<b>Газ тармоқлари, км</b>	<b>-</b>	<b>-</b>

2017 йил январь-декабрда умумий майдони 1007,4 минг кв.м. бўлган 7411 та (2016 йил январь-декабрга нисбатан 80,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 741,0 минг кв.м. (75,4 фоиз) уй–жой фойдаланишига топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 764,3 млрд. сўми ёки 64,6 фоизи уй–жой қурилишида ўзлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 77,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 6,6 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 234,4 км узунликдаги ичимлик суви ишга туширилди, бу 2016 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 139,2 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 32,6 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-декабрда 1773,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2016 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,9 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 20,2 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 6,9 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 85,8 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1660,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,6 фоизни (2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 104,4 фоизни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

2016 йил январь-декабрь



2017 йил январь-декабрь



- давлат мулки
- фуқароларни хусусий мулки
- хўжалик бирлашмалари мулки
- кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки
- бошқа мулкчилик шакллари

## V. КИЧИК (БИЗНЕС) ВА ТАДБИРКОРЛИК

2018 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 10897 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 72,1 фоизи (2016 йил январь-декабрда 70,9 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 814,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлғанларнинг 81,4 фоизи), шу жумладан банд бўлғанларнинг 460,2 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 176,2 минг нафари кичик корхона ва микро фирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1003,2 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,8 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 90 фоизни ташкил қилди;

### 2017 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмидаги хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
--	--	---

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6287,4	100,0
Саноат	1003,2	90,0
Курилиш	1408,9	79,4
Чакана савдо	6602,2	90,9
Юк ташиш, млн тн.	44,5	75,1
Йўловчи ташиш, млн.кииши	224,3	90,7
Экспорт, млн. АҚШ долл.	109,0	0,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	182,3	2,7

- 6287,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) бўлиб, ўсиш суръати 106,8 фоизни ташкил қилди.

- 1032,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 35,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 92,2 фоизни ташкил қилди.


- 1408,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,4 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 98,2 фоизни ташкил қилди.

- автомобил транспорти юк айланмаси 4,7 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмаси 86,1 фоизи), йўловчи айланмаси эса 3,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 95,4 фоизи) кўпайди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,5 фоизи ёки 6 трлн. 602,2 млрд. сўмни (ўсиш 99,4 фоиз), хизматлар умумий ҳажмининг мос равиша 75,3 фоизи ёки 2329,9 млрд. сўми (ўсиш 99,5 фоиз) шакллантирилди;

- 109,0 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 69,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди 182,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 83,9 фоиз) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



## **VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ** *(фермер ва дәхқон хўжаликларисиз)*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 14406 тани ташкил қилиб, шундан 13719 таси ёки 95,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3515 та (24,4 фоизи), саноат 1743 та (12,1 фоизи), қурилиш 1519 та (10,5 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1028 та (7,1 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1016 та (7,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


**2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича**

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>14406</b>	<b>100,0</b>	<b>13719</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1016	7,1	910	6,6
саноат	1743	12,1	1680	12,2
қурилиш	1519	10,5	1470	10,7
савдо	3515	24,4	3346	24,4
ташиш ва сақлаш	677	4,7	649	4,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1028	7,1	985	7,2
ахборот ва алоқа	238	1,7	227	1,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	229	1,6	223	1,6
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4441	30,8	4229	30,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 82,1 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 37,4 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 44,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

### **Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари**

*(1 январь ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)*



2017 йил январь-декабрда жами 2099 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари - 1988 та). Уларнинг асосий кисми Термиз шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 21,5 фоизи), Денов (11,4 фоиз), Шўрчи (10,0 фоиз), Жарқўрғон (8,5 фоиз), Термиз (6,6 фоиз) туманларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича  
тақсимлаш (2018 йил 1 январь ҳолатига)  
(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)**

Жами, бирлик	Умумий сонга нисбатан, фоиз хисобида		
	давлат	нодавлат	шундан хусусий

<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>14406</b>	<b>17,9</b>	<b>82,1</b>	<b>37,4</b>
<i>шаҳар:</i>				
Термиз	2888	10,2	89,8	36,5
<i>туманлар:</i>				
Ангор	690	18,7	81,3	37,0
Бойсун	702	20,1	79,9	33,5
Денов	1703	17,3	82,7	38,6
Жарқўргон	1128	17,5	82,5	37,7
Кумқўргон	878	21,8	78,2	39,4
Қизириқ	723	25,4	74,6	29,6
Музработ	582	23,2	76,8	37,6
Олтинсой	601	28,0	72,0	35,3
Сариосиё	832	22,6	77,4	38,1
Термиз	988	12,6	87,4	35,7
Узун	859	19,8	80,2	51,7
Шеробод	946	19,2	80,8	41,5
Шўрчи	886	20,8	79,2	29,5

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 23,3 фоизи савдо, 17,5 фоизи саноат ва 12,7 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1625 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 133 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 8,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони**  
*(фермер ва дөхқон хўжаликларисиз)*

(бирлик)

	2018 йилнинг 1 январига рўйхатга олинган	2017 йилнинг январь - декабрида	
		ташкил тоди	тугатилди

<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>10897</b>	<b>1988</b>	<b>1320</b>
<i>шаҳар:</i>			
Термиз	2393	428	170
<i>туманлар:</i>			
Ангор	517	94	22
Бойсун	527	77	8
Денов	1314	227	247
Жарқўргон	862	169	201
Кумқўргон	615	126	172
Қизириқ	484	107	71
Музработ	406	70	47
Олтинсой	386	55	68
Сариосиё	577	102	66
Термиз	833	131	21
Узун	623	85	22
Шеробод	712	118	110
Шўрчи	648	199	95

**2017 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот  
ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва надавлат  
секторларининг нисбати**  
*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*



## VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2017 йилнинг январь-декабрида ташқи савдо айланмаси 256,7 млн. АҚШ долларини, жумладан 105,7 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 151,0 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -45,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

### 2017 йилнинг январь-декабрда МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ доллари)

	январь-декабрь		2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	

<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>270707,9</b>	<b>374507,9</b>	<b>138,3</b>
------------------------------	-----------------	-----------------	--------------

шу жумладан:

МДҲ давлатлари	64285,0	117928,5	183,4
бошқа давлатлар	206422,9	256579,4	124,3
<b>Экспорт</b>	<b>148239,3</b>	<b>157319,1</b>	<b>106,1</b>


шу жумладан:

МДҲ давлатлари	26532,3	56810,3	2,1 м
бошқа давлатлар	121707,0	100508,8	82,6
<b>Импорт</b>	<b>122468,6</b>	<b>217188,8</b>	<b>177,3</b>

шу жумладан:

МДҲ давлатлари	37752,7	61118,2	161,9
бошқа давлатлар	84715,9	156070,6	184,2

**2016-2017 йил январь-декабрда вилоят ташқи савдо айланмасида  
МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши**




**2017 йилнинг январь-декабрда вилоят экспорт-импорти таркиби**

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидағи улуши, фоиз ҳисобида		Хажмидағи ўзгариши, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь	
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>106,1</b>
пахта толаси	20,3	3,6	18,7
озиқ-овқат маҳсулотлари	55,2	77,1	148,4
енергия манбалари маҳсулотлари	0,4	2,5	6,3 м
машина ва ускуналар	1,4	-	-
Хизматлар	15,5	7,5	51,4

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажсимидағи улуси, фоиз ҳисобида		Ҳажсимидағи ўзгариши, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Бошқалар	7,2	9,3	137,2
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>177,3</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	5,3	17,6	5,9 м
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	13,3	9,9	132,4
энергия манбалари маҳсулотлари	1,7	0,5	54,1
қора ва рангли металлар	36,4	11,3	54,9
машина ва ускуналар	36,7	53,0	2,6 м
Бошқалар	6,6	7,7	2,1 м

**Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби  
(умумий ҳажсмга нисбатан фоиз ҳисобида)**




**2017 йилнинг январь-декабрда вилоят ташқи савдо айланмасида  
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуси, фоиз ҳисобида</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Хитой халқ республикаси	23,7	150
Афғонистон	14,8	103,2
Россия	13,9	152,2
Қозоғистон	13,4	2,5 м
Литва	6,3	5,2 м
Туркия	4,6	2,3 м
Жанубий Корея	4,1	61,1
Покистон	1,7	2,7 м
Украина	1,5	120,9
Германия	1,5	4,6 м
Эрон	1,4	79,7
Буюк Британия	1,1	14,9 м
БАА	1,0	88,3
Исломия	1,0	589,3 м
Полша	0,9	169
Хиндистон	0,8	107,8
Туркманистон	0,8	4,7 м
Беларус	0,8	7,4 м
Африка	0,8	
Италия	0,7	4,6 м
Вьетнам	0,7	6,6 м
Тожикистон	0,6	9,2 м
Ирек	0,4	166,2
Гонконг	0,4	37,6
Чехия	0,3	25,4 м
Азарбайжон	0,3	126,0
Австрия	0,2	5,3 м
Бельгия	0,2	159,7
АКШ	0,2	4,3 м
Франция	0,2	100,6
Малайзия	0,2	38,4
Бошқа давлатлар	1,5	15,8


**2017 йил январь-декабрда МДХ ва бошқа хорижий давлатлар билан амалга оширилгандын ташқи савдо таркиби**

### **Экспорт**

**МДХ**




**Бошқа хорижий**




### **Импорт**

**МДХ**



**Бошқа хорижий давлатлар**



- █ Пахта толаси
- █ Озик-овкат махсулотлари
- █ Кимё ва пластмасса махсулотлари
- █ Энергия манбалари
- █ Кора ва рангли металлар
- █ Машина ва ускуналар
- █ Хизматлар
- █ Бошкалар

## VIII. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 59,2 млн. тонна юк ташылган бўлиб, бу 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 102,8 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 741,3 млн. тн-км. ни ташкил қилди ва 102,4 фоизга кўпайди.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
--	----------------------------	--

Ташылган юк, млн. тн	59,2	102,8
----------------------	------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	59,2	102,8
Юк айланмаси, млн. тн-км	741,3	102,4

шу жумладан:

автомобил транспортида	741,3	102,4
------------------------	-------	-------

### Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
--	----------------------------	--

Транспортда ташылган йўловчилар, млн. киши	247,4	102,9
--	-------	-------

шу жумладан, автомобил транспортида

Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	5653,3	104,7
------------------------------------	--------	-------


шу жумладан, автомобил транспортида

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 1,4 фоизга кўпайди ва 335,6 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 45,3 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 45,7 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 247,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 4,7 фоизга бажарилиб, 5653,3 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-декабрига нисбатан 1,8 фоизга кўпайди ва 4512,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 79,8 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 82,1 фоиз).

#### **Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади**



Ўз навбатида, вилоятда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 1920,5 млрд.сўм миқдорида ҳисоб- китоб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 97,9 фоизни ташкил этди (жами вилоят хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 62,1 фоиз).

## IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2017 йил январь-декабрда чакана товар айланмаси 7 трлн.139 млрд. 809,8 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 фоизга ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>7139,8</b>	<b>100,2</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан;</i> мулкчилик шакллари бўйича			
давлат мулки	2,1	85,4	
нодавлат мулки	7137,7	100,2	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	5961,7	99,2	83,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-декабрда 537,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,4 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йил январь-декабрь ойларида 5870,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 фоизга ошган.

### 2017 йил январь-декабрда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>7139,8</b>	<b>100,2</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	537,7	110,4	7,5
Якка тартибдаги тадбиркорлик	5870,6	100,1	82,3

	млрд. сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	--	--

уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	731,5	94,5	10,2
--	-------	------	------

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 160,2 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-декабрга нисбатан 8,4 фоизга ўсади.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблагандан 1,9 фоизга камайди ва 2870,0 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-декабрь ойиларида 2468,3 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-декабрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 4429,2 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 1512,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 34,1 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 104,5 фоизга етди.

#### **Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-декабрда**

	млрд. сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	--	--

<b>Жами хизматлар</b>	<b>4429,2</b>	<b>104,5</b>	<b>100,0</b>
-----------------------	---------------	--------------	--------------

*Шу жумладан:*  
хизмат турлари бўйича

алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	286,5	111,5	6,5
----------------------------------	-------	-------	-----

молиявий хизматлар	401,3	125,2	9,1
--------------------	-------	-------	-----

транспорт хизмати	913,4	101,8	20,6
-------------------	-------	-------	------

*шу жумладан:* автотранспорт  
хизматлари

яшаш ва овқатланиш хизматлари	162,1	110,9	3,7
-------------------------------	-------	-------	-----

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>якунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
савдо хизматлари	1776,7	100,1	40,1
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	142,9	100,7	3,2
таълим соҳасидаги хизматлар	119,7	123,8	2,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	47,9	111,6	1,1
ижара ва прокат хизматлари	111,6	100,3	2,5
компьютерларни ва маишӣ товарларни таъмиrlаш хизматлари	159,6	101,1	3,6
бошқа шахсий хизматлар	162,7	100,5	3,6
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	30,0	121,6	0,7
бошқа турдаги хизматлар	114,8	102,7	2,6


Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 40,1 фоизи), транспорт (20,6 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (125,2 фоиз), таълим соҳасидаги хизматлар (123,8 фоиз), меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларнинг (121,6 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (111,6 фоиз) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (111,5 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

Вилоятда статистика бошқармаси томонидан кичик корхона ва микрофирмаларда ўтказилган танланма кузатув натижаларига кўра улар томонидан ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажми 2017 йил январь-декабрь ойларида 603,0 млрд.сўм миқдорида баҳоланди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,9 фоизни ташкил этди (жами вилоят хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси 13,6 фоиз).

Ўз навбатида, вилоятда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ахолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 2775,6 млрд.сўм миқдорида хисоб- китоб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,1 фоизни ташкил этди (жами вилоят хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 62,7 фоиз).

## **2017 йил январь-декабрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иктисодий фаолият турлари**



## **X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕХНАТ БОЗОРИ**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил 1 январ ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2513,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 50,8 минг кишига ёки 1,02 фоизга кўпайди.

### **Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-декабрда**

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайши	2016 й.	2017 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	62 638	64 430	+1792	25,8	25,9
Ўлганлар	10 380	11 308	-928	4,2	4,5
<i>шу жумладан: бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан</i>	551	589	38	8,8	9,1
Табиий ўсиш	52 258	53 122	864	21,6	21,4
Никоҳлар	22 164	28 047	+5883	9,1	11,3
Ажралишлар	1 422	1 812	-390	0,6	0,7

2017 йилнинг январь-декабрда туғилганлар сони 64430 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (62638 киши) нисбатан 1792 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 25,9 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврининг (25,8 промилле) нисбатига тенг бўлди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Бойсун шаҳри шаҳрида (25,6 дан 26,5 промиллега), Қумқўрғон (24,7 дан 25,5 промиллега), Қизириқ (27,8 дан 28,2 промиллега), Термиз тумани (25,8 дан 26,2 промиллега), Шеробод (23,9 дан 24,8 промиллега), туманларида кузатилди.

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот


Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-декабрда ўлганлар сони 11308 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (10380 киши) нисбатан 928 тага кўпайди. Мос равиша ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-декабрида – 4,2 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 55,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 18,3 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 17,3 фоизи туғма аномалиялардан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Ўлганлар сонининг кўпайиши Олтинсой (3,6 дан 4,0 промиллега), Ангор (4,5 дан 5,3 промиллега), Бойсун (4,4 дан 4,5 промиллега), Денов (4,5 дан 4,3 промиллега), Жақўргон (4,5 дан 4,9 промиллега), Қумқўргон (4,0 дан 4,5 промиллега), Қизириқ (3,5 дан 4,1 промиллега), Термиз (5,1 дан 5,3 промиллега), Узун (4,2 дан 4,6 промиллега), Шеробод (4,1 дан 4,3 промиллега), Шўрчи (4,6 дан 4,8 промиллега) туманларида кузатилди.

### **Шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг таркиби**

(2017 йил 1 октябр ҳолатига, минг кииши)




**Миграция.** Дастребаки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 14456 кишини, шу давр мобайннида кўчиб кетганлар сони эса 16784 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2328 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1463 киши) тенг бўлди

Энг катта минус қолдиқлар Термиз шаҳрида (минус 702), Жарқўрғон (минус 359), Денов (минус 648), Бойсун (минус 352), Шеробод (минус 215) ва Узун (минус 324) туманларида кузатилди.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-декабрида ФХДЁ органларида 28047 та никоҳлар ва 1812 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 11,3 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 9,1 та) ва 0,7 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида - 0,6 та) тўғри келади.

### Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони (2017 йил январь - декабрь ойларида)



(бирлик)




**Миграция.** Дастраси маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 14456 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 16784 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2328 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1463 киши) тенг бўлди

Энг катта минус қолдиқлар Термиз шаҳрида (минус 702), Жарқўрғон (минус 359), Денов (минус 648), Бойсун (минус 352), Шеробод (минус 215) ва Узун (минус 324) туманларида кузатилди.

## Ахолининг табиий харакати 2017 йил январь-декабрда

*Ҳар 1000 кишига промил*




**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрь ойларида 1425,0 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,7 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 14125 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш кидириб мурожаат этганлар Денов (3009 кишига), Сариосиё (1001 кишига), Жарқўрғон (1303 кишига) ва Узун (959 кишига) туманларида кўп.

Бандлик бўлимларига мурожаат қилган фуқаролардан 11420 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса, ушбу кўрсаткич Денов (1383 киши), Жарқўрғон (1242 киши), Сариосиё (936 киши) ва Узун (897 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка қўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 1817 нафари ишсизлик мақомини олган.

**Мехнат ресурслари  
ва аҳолининг иш билан бандлиги  
(2018 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)**



Шунингдек, 2017 йилнинг январь–декабр даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда иш билан бандларнинг жами бандлардаги улуши 81,1 фоизни ташкил этди (2016 йил январь–декабрь 80,9 фоиз бўлган).


**Ишсизлик<sup>1)</sup>** 2017 йил январь–декабр ойи охирига меҳнат идораларида иш кидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 14,1 минг кишини ташкил

<sup>1)</sup> бандликка қўмаклашиши бошқармасининг маълумотларига асосан

қилди ва бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига (12,0 минг киши бўлган) нисбатан 1,1 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2017 йил **январь–декабр** ойларида 1817 кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 0,04 фоизни ташкил этди.

### **2016-2017 йиллар январь-декабрь ойларида иш билан таъминланган аҳоли туманлар кесимида**



2017 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иктисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 75,2 фоизни ташкил этди. Нодавлат секторида жами бандлар улуши 84,6 фоизга этиб, 2016 йилнинг шу даврида 84,5 фоизни ташкил қилган.

*Изоҳлар учун*

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ  
2017 ЙИЛ ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

*Наширга масъул:*

**Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими  
тел. (0-376) 223-07-18**

Буюртма рақами №\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.17 й.      Тираж \_\_\_\_ нусха

**Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси  
Термиз ш., Ислом Каримов кўчаси 63а-уй**